

## Абу-Дабидаги масжидларга саёҳат



10:30 / 25.12.2019 2041

Бирлашган Араб Амирликлари пойтахтида «Масжидга саёҳат» деб номланган янги экскурсия бошланди. Бу ҳақда [unian.net](http://unian.net) га таяниб, iqna манбаси хабар беради.

Туризм ва маданият қўмитасининг ташаббуси билан меҳмонлар Абу-Дабидаги бешта тарихий биноларга ташриф буюриш имкониятига эга бўладилар.

Сафар дастурига бешта муҳим масжид киритилган. Улар Шайх Султон ибн Зайд биринчи масжид, Ал-Марина туманидаги Ал Карим масжиди, Рим оролидаги Ал-Азиз масжиди, Ал Холидиядаги Шайх Зайид II масжиди, шунингдек Ал-Мушриф ҳудудидаги Исонинг онаси Марям масжидларидир.

Сайёҳлар масжидларга ташриф буюриш жараёнида одоб-ахлоқ қоидалари, Ислom дини ва қадимий бинолар билан танишишлари мумкин. Бундан ташқари, уларга масжидларнинг тарихи ҳақида ҳам маълумот берилади.

***Islom.uz портали таҳририяти***